

А Ж Р И М

(жиноят ишени ярашув асосида тугатиш ҳақида)

2025 йил март ойининг 27 куни, жиноят ишлари бўйича Қизилтепа туман суди сайёр суд мажлиси, Қизилтепа тумани “Ванғози” маҳалла фуқаролар йиғини биносида бўлиб, раислик қилувчи судья А.Авезов, судья ёрдамчиси Н.Қурбоновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қизилтепа туман прокурори Ж.Тошев, жабрланувчи Ш.Рахмоновнинг иштирокида Икромов Вали Ғайбуллоевичга оид 1-2105-2501/23-сонли жиноят иши кўриб чиқилди. Иш ҳужжатларига кўра:

Икромов Вали Ғайбуллоевич (Ikromov Vali G'aybulloevich), 1981 йил 10 июлда Қизилтепа туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, “Олтин қулоч” МЧЖда иш юритувчи, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Қизилтепа тумани, “Ванғози” МФЙ, “Ванғози” қишлоғи, 267-уйда яшайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 257-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишни содир қилганликда гумонланувчи сифатида ишда иштирок этишга жалб қилинган.

Суд, гумонланувчи ва жабрланувчи кўрсатувларини эшитиб, уларнинг ярашув ҳақидаги аризаларини муҳокама қилиб, тарафларнинг фикрини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Гумонланувчи В.Икромов, 2024 йилнинг 1 апрель кунидан буён “Олтин қулоч” МЧЖда иш юритувчи вазифасида ишлаб келиб, жамият иш юритувчиси сифатида ходимларни яқка тартибда ҳимоя қилиш воситалари тўғри қўлланилишини текшириш, ходимларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича кириш йўриқномасидан ва иш жойидаги йўл-йўриқлардан ўтказишни амалга ошириш, ишчилар томонидан меҳнат қилишга ва ишлаб чиқаришга оид тартиб-интизомга риоя қилинаётганлигини, ишлаб чиқариш ишлари сифатли бажараётганлигини, топширилган ишларни амалга ошириш технологиясига риоя қилинаётганлигини доимий равишда назорат олиб бориш, ишчилар томонидан меҳнатни муҳофоза қилиш ва хавфсизлик техникаси қоидаларига ҳамда йўриқномалари талабларига риоя қилинаётганлигини ёки қилинмаётганлигини назоратни амалга ошириш каби вазифалар юклатилган бўлишига қарамасдан, хизмат вазифаларига совуққонлик билан ёндашиб, ўзининг бу ҳаракатлари билан Навоий вилояти Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси Давлат меҳнат назорат инспекцияси томонидан тузилган бахтсиз ҳодисани сабабларини ўрганиш юзасидан махсус комиссиясининг 23.12.2024 йилдаги 17/00-01/10-433-сонли бахтсиз ҳодисасини махсус текшириш далолатномасига кўра, жамият иш юритувчиси сифатида жамиятда фаолият юритаётган ишчиларга меҳнат муҳофазаси бўйича йўл-йўриқ бермасдан ишлашга рухсат берган, уларни шахсий ҳимоя



воситларидан (*ҳимоя кўзойнаги*) фойдаланишини назорат қилмаганлиги, бу билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2018 йилдаги 1066-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини яратиш ва фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 2-боб, 13-банди, 2-кичик банди, 3-хат боши талаби ҳамда “Олтин кулоч” МЧЖ томонидан тасдиқланган “Металл шарик ишлаб чиқариш цехи иш юритувчиси лавозим йўриқномаси”нинг 3.1.1, 3.1.7 ва 3.1.12-банди талабларига амал қилмаганлиги оқибатида 2024 йилнинг 27 октябрь куни соат 23:30ларда жамиятга қарашли металл шарлар ишлаб ишлаб чиқариш цехида қолипловчи бўлиб ишловчи Ш.Рахмонов тунги сменада иш жараёнида қолиплардаги металл қолдиқларини тозалаш давомида кўзига металл қириндиси кириши натижасида РСТЭИАМНФ Қизилтепа тумани СТЭБнинг 02.12.2024 йилдаги 949-сонли хулосасига кўра “Оғир тан жароҳати” олган.

Судда, гумонланувчи В.Икромов айбига тўлиқ иқрорлиги ва чин кўнгилдан пушаймонлиги, жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлиқ қоплаганлиги билдириб, ўзига оид жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Судда, жабрланувчи Ш.Рахмонов гумонланувчи В.Икромов томонидан етказилган зарар тўлиқ қоплагани, унга нисбатан даъвоси йўқлиги, у билан ўзаро ярашгани, ярашув ихтиёрий бўлиб, ҳеч ким тазйиқ ўтказмагани, суд ярашувни тасдиқлаган тақдирда, мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши тушунарли эканини билдириб, В.Икромовга оид жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг тўртинчи қисмида, жабрланувчи Жиноят кодексининг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши ушбу Кодекснинг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Шунга кўра суд, гумонланувчи В.Икромовга оид жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми ва ЖКнинг 66¹-моддасига асосан, унинг айблилик ҳақидаги масалани ҳал қилмасдан туриб тугатишни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 423, 582-583, 585-586-моддаларига қўлланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖК 257-моддасининг 1-қисми билан гумонланувчи **Икромов Вали Ғайбуллоевич (Ikromov Vali G'aybulloyevich)**га оид жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан жавобгарликдан озод қилинсин.

Иш бўйича жабрланувчига етказилган зарар қопланганлиги эътироф этилсин.

Жабрланувчи Ш.Рахмоновга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.



Ажримдан норози томонлар ажрим эълон қилинган кундан бошлаб, гумонланувчи ва жабрланувчи эса ажрим нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида шу суд орқали Навоий вилоят судига апелляция тартибида ёки ажрим қонуний кучга киргач кассация тартибида хусусий шикоят, прокурор эса хусусий протест келтиришга ҳақлидирлар.

Ажрим алоҳида хонада раислик қилувчи томонидан “DELL” русумли компьютерда ёзилди.

Раислик қилувчи

Ажрим нусхаси

аслига тўғри:

ИМЗО

имзо

А.АВЕЗОВ

А.Авезов

Маъсул судья: Авезов Адиз Муродбекович

